



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 28 » aprel

№ 253

Toshkent sh.

### **“Соғлом турмуш тарзи” платформаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги ПФ–6099-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида **“Соғлом турмуш тарзи” платформаси** (кейинги ўринларда – платформа) яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **“Соғлом турмуш тарзи” платформаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги** низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

платформанинг мобил иловаси ва веб-порталидан фойдаланиш тартиби;

мобил илова орқали фуқароларнинг эришган натижаларига кўра рағбатлантириш;

мобил илова орқали идоралараро баҳолаш рейтингини аниқлаш ҳамда унинг ғолибларини рағбатлантириш;

платформада тўловларни амалга ошириш тартиби.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан платформа тўлиқ ишга туширилганидан сўнг доимий техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шарти билан Туризм ва спорт вазирлигига ўтказиб берилади;

“Алоқабанк” акциядорлик-тижорат банки платформа фаолиятида техник имкониятларини инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк ҳисобланади;

платформа фаолияти тегишлилигига кўра Туризм ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назорат қилиб борилади. Бунда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги – платформа доимий равишда ҳаққоний ва фаол ишлаб туриши, шунингдек унинг доимий техник қўллаб-қувватланиши;

Молия вазирлиги – фуқароларнинг платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилиши билан боғлиқ тўловларнинг молиялаштирилиши;

Туризм ва спорт вазирлиги – платформадан фойдаланиш шартларини бузган фуқароларнинг иштирокига чекловлар ўрнатиш, шунингдек улар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш, тузилган рейтинглар шаффофлиги ва ошкоралиги таъминланиши;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги – платформада фойдаланувчилар учун тақдим этилаётган таомлар килокалорияси тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

#### 4. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар платформа фаолиятини ташкил этиш натижалари пухта таҳлил қилинган ҳолда, мазкур тизимни янада такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Белгилансинки, платформа 2021 йил 10 майдан тест режимда ишлайди ҳамда 2021 йил 1 июндан бошлаб платформа тўлиқ ишга туширилади ва тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 28 апрелдаги  
253-сон қарорига  
илова

**“Соғлом турмуш тарзи” платформаси фаолиятини  
ташқил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Соғлом турмуш тарзи” платформаси (кейинги ўринларда – платформа) фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Платформа аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида ташқил этилган бўлиб, у орқали:

Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида **ўн минг ва ундан ортиқ** қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига **3 минг сўмдан;**

ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга **300 минг сўмдан**, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган шахсга **500 минг сўм**, республика бўйича энг кўп юрган шахсга **1 млн сўм** кўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аккаунт** – платформа фойдаланувчисининг рўйхатдан ўтган қисқача номи;

**аутентификация** – фойдаланувчи идентификаторини текшириш учун фойдаланувчи номи ва пароли каби маълумотларини текшириш билан боғлиқ жараён;

**веб-портал** – аҳолига соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини ташқиллаштиришда хизмат кўрсатувчи ҳамда вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда платформада рўйхатдан ўтган ходимларнинг юриш натижаларига кўра, рейтингини тузувчи дастурий маҳсулот;

**мобил илова** – платформада рўйхатдан ўтган фуқароларга соғлом турмуш тарзини татбиқ этувчи, юриш натижасини кўрсатиб борувчи ҳамда фуқароларга электрон ҳамёнига келиб тушган маблағларни кўриб бориш ва тўлов тизимлари орқали сарф қилишда фойдаланадиган дастурий маҳсулот;

**рўйхатдан ўтиш** – платформа фойдаланувчисини идентификациялаш ва у тўғрисидаги шахсий маълумотларини қайта ишлаш учун мўлжалланган Ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтиш;

**фуқаро** – мобил иловадан ҳамда веб-порталдан фойдаланувчи, 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикасининг фуқароси;

**электрон ҳамён** – фойдаланувчиларнинг шахсий кабинетидан электрон пул маблағлари сақланадиган ва улардан фойдаланиш имконини берадиган дастурий таъминот.

4. Платформа мобил илова ва веб-портал дастурий маҳсулотларидан иборат бўлади. Бунда, мобил илова орқали платформада рўйхатдан ўтган фуқароларнинг қадамлари тўғрисидаги маълумот веб-порталга интеграция қилинган ҳолда, Туризм ва спорт вазирлиги томонидан кўриб борилади. Веб-портал орқали вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг платформада рўйхатдан ўтган ходимларини юриш натижалари рейтинги тузилади ҳамда мазкур веб-порталда ёритиб борилади.

5. Тўловларни тўлаб бериш ҳамда рейтинг баҳолаш ошқоралик, холислик, адолатлилиқ, тенглик ва шаффофлик принциплари асосида амалга оширилади.

6. “Соғлом турмуш тарзи” платформасидан фойдаланиш ҳамда пул ўтказмаларини фуқароларнинг электрон ҳамёнига қадар келиб тушиши ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

#### **2-боб. Мобил илова ва веб-порталдан фойдаланиш тартиби**

7. Мобил иловадан фойдаланиш учун фуқаролар Google Play Market ёки AppStore интернет дўконларидан мобил иловани юклаб олиши ҳамда Android операцион тизимида Google Fit, iOS операцион тизимида HealthKit иловаларини мобил қурилмасига ўрнатиши лозим.

8. Мобил иловадан фойдаланиш учун фойдаланувчининг телефон қурилмаси Android ёки iOS операцион тизимларидан бирида ишлаши ва акселерометр қурилмасига эга бўлиши керак.

9. Фуқаро мобил иловадан фойдаланиши учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (id.egov.uz) орқали рўйхатдан ўтган бўлиши ҳамда аутентификация ва идентификациясини амалга ошириши зарур.

10. Мобил иловадан фойдаланиши учун фуқаролар фақат битта қурилмадан рўйхатдан ўтиши лозим ва унинг қадамлари фақат шу қурилма маълумотлари асосида ҳисобга олинади.

11. Фуқаро мобил иловадан рўйхатдан ўтгандан кейин унга электрон ҳамён очилади ва тегишли тўловлар мазкур ҳамён орқали амалга оширилади.

12. Фуқаронинг ҳар кунлик юрган қадамлари ҳисоби мобил қурилмадаги қадамларни ҳисоблаш модули орқали юритилади.

13. Фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрганлиги, ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар), ҳар бир ҳудуд, республика бўйича энг кўп юрганлиги платформа орқали автоматик тарзда аниқланади ҳамда Туризм ва спорт вазирлигининг “Алоқабанк” акциядорлик-тижорат банкида (кейинги ўринларда –

“Алоқабанк” АТБ) очилган транзит ҳисобварағи орқали тўловлар амалга оширилади.

14. Туризм ва спорт вазирлиги томонидан буюртма платформа маълумотлари асосида автоматик тарзда шакллантирилади ва Молия вазирлигининг Ғазначилигига молиялаштириш учун юборилади. Буюртмага мувофиқ Туризм ва спорт вазирлигининг Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган шахсий ғазна ҳисобварағидан вазирликнинг “Алоқабанк” АТБда очилган транзит ҳисобварағи орқали фуқаронинг электрон ҳамёнига ўтказиб берилади.

15. Фуқарога мобил иловадан фойдаланган ҳолда унинг электрон ҳамёнига келиб тушган тўловлар бўйича маълумотларни кўриб бориш, шунингдек электрон ҳамёнидаги маблағларни банк карталарига ўтказиш ёки тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилади.

16. Фуқаро томонидан унинг электрон ҳамёнидан банк картасига маблағлар ўтказилганда ёки тўлов амалга оширилганда тўлов суммаси электрон ҳамён тизими орқали ушбу ҳамёнга бириктирилган Ягона виртуал карта ҳисобварағидан амалга оширилади.

17. Ягона виртуал карта ҳисобварағидан амалга оширилган транзакциялар “Алоқабанк” АТБ томонидан мустақил равишда Туризм ва спорт вазирлигининг ушбу банкдаги депозит ҳисобварағи маблағлари ҳисобидан қопланади.

18. Веб-портал орқали аҳолига соғлом турмуш тарзини татбиқ этувчи ҳамда вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда платформада рўйхатдан ўтган ходимларнинг юриш натижаларига кўра, рейтинги тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

19. Веб-порталдаги вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг платформада рўйхатдан ўтган ходимлари ва уларнинг юриш натижалари тўғрисидаги маълумотлар мобил иловадаги маълумотлардан автоматик тарзда олинади.

### **3-боб. Мобил илова орқали фуқароларнинг эришган натижаларига кўра рағбатлантириш**

20. Бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган фуқаролар ҳамда бир ой давомида ҳар бир туман (шаҳар), ҳудуд ҳамда республика бўйича энг кўп юрган шахслар мобил илова орқали автоматлашган тарзда Туризм ва спорт вазирлиги томонидан таҳлил қилинади.

Таҳлил натижаларига кўра, мобил илова орқали рўйхатдан ўтган фуқаро бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган тақдирда, унинг электрон ҳамёнига уч минг сўм ўтказиб берилади.

Ҳар ойда узлуксиз равишда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўмдан, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган фуқарога 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган фуқарога 1 млн сўм қўшимча равишда электрон ҳамёнига ўтказиб берилади.

Ҳар ойда узлуксиз равишда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича, ҳар бир ҳудуд бўйича, республика бўйича энг кўп юрган фуқаролар кўрсаткичлари тенг бўлиб қолган ҳолларда, юқорида белгиланган миқдордаги маблағлар уларнинг ҳар бирига тўлаб берилади.

Платформада фуқаронинг юрган қадамлари ҳисоби соат 00-00 дан 23-59 гача юритилади.

Мобил илова иш фаолияти давомида техник носозликлар келиб чиқадиган тақдирда, тегишли пул маблағлари 24 соат давомида ўтказиб берилади.

“Соғлом турмуш тарзи” платформасида тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш мазкур Низомга 2-иловада келтирилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

21. Туризм ва спорт вазирлигининг Молия вазирлигининг Ғазначилигида очилган шахсий ғазна ҳисобварағига тушадиган тегишли даромадлар манбаларининг бир меъёрда доимий тушиш имконияти чекланганлигини инобатга олиб, мазкур шахсий ғазна ҳисобварағида 500,0 млн сўмдан кам маблағ қолса, мобил илова бўйича фойдаланувчиларга тўловлар, ушбу шахсий ғазна ҳисобварағида 5,0 млрд сўмгача маблағлар бўлгунга қадар, автоматик тарзда тўхтатилади.

Агар шахсий ғазна ҳисобварағида маблағлар 5,0 млрд сўмдан ошса, шу кундан бошлаб мобил иловада ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган фуқароларга тўловлар автоматик тарзда амалга оширилиши бошланади.

Бунда, шахсий ғазна ҳисобварағидаги маблағлар 500,0 млн сўмдан 5,0 млрд сўмгача бўлгунгача даврда мобил иловада ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган фуқароларга тўланадиган тўловлар тўланмайди.

Шу билан бирга, ушбу бандда назарда тутилган шартлар ҳар ойда узлуксиз равишда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган фуқарога 300 минг сўмдан, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган фуқарога 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган фуқарога 1 млн сўмдан тўланадиган тўловларга нисбатан татбиқ этилмайди.

22. Туризм ва спорт вазирлиги томонидан амалга оширилган тўловлар бўйича ҳисоботлар, рейтинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Молия вазирлигининг Ғазначилигида очилган Туризм ва спорт вазирлигининг шахсий ғазна ҳисобварағидаги маблағлар 500,0 млн сўмдан 5,0 млрд сўмгача бўлган даври ҳақидаги маълумотлар платформа веб-порталида эълон қилиниб борилади.

23. Тўловларнинг ҳаққонийлигини назорат қилиш Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

#### **4-боб. Мобил илова орқали идоралараро баҳолаш рейтингини аниқлаш ҳамда унинг ғолибларини рағбатлантириш**

24. Идоралараро баҳолаш рейтингини қуйидаги мезонлар бўйича 100 баллик тизимда амалга оширилади:

“Соғлом турмуш тарзи” мобил иловасидан рўйхатдан ўтган ташкилот ходимлари сони (жами ходимлар сонига нисбатан фоизда) – 30 баллгача;

бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган энг кўп ташкилот ходимлари сони (жами ходимлар сонига нисбатан фоизда) – 50 баллгача;

бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган ташкилотнинг 50 ёшдан ошган энг кўп ходимлари учун кўшимча равишда – 20 баллгача баҳоланади.

25. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда платформада рўйхатдан ўтган ходимлари ҳамда уларнинг юриш ва натижалари 100 баллик рейтинг тизими асосида қуйидагича баҳоланади:

85,0 – 100 балл тўпланганда – “намунали”;

71,0 – 84,9 балл тўплаганда – “яхши”;

50,0 – 70,9 балл тўплаганда – “қониқарли”;

49,9 балл ва ундан кам балл тўплаганда – “қониқарсиз”.

#### **5-боб. Ғолибларни рағбатлантириш тартиби**

26. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг платформада рўйхатдан ўтган ходимлари ҳамда уларнинг юриш натижалари ва якуний рейтинг баҳолари Туризм ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланади.

27. Ярим йиллик якунида рейтинг баллари натижалари бўйича “намунали” деб топилган давлат органлари (ташкилотлар) раҳбарларини рағбатлантириш (эсдалик совғалари, диплом ва бошқалар) Туризм ва спорт вазирлигининг ҳамда ҳудудий ташкилотлар раҳбарларини рағбатлантириш (эсдалик совғалари, диплом ва бошқалар) ҳудудий оммавий спорт тадбирларини ўтказиш учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

#### **6-боб. Якунловчи қондалар**

28. Мобил илова орқали фуқароларнинг электрон ҳамёнига ўтказмалар уларнинг геолокациялари ёрдамида фуқаролар томонидан ҳақиқатдан тегишли масофани босиб ўтганлиги тасдиқлангандан кейин ўтказилади.

29. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда доимий равишда платформада белгиланган тартибни бузган ҳолда қадамларни бажариш ва

электрон ҳамёнига пул тушираётган шахсларни аниқлашга қаратилган мониторинг тадбирларини олиб боради.

30. Белгиланган тартибни бузган (бузишда гумон қилинган) фуқароларнинг аккаунтига чекловлар (вақтинча чекловлар) ўрнатилади.

31. Ушбу Низомнинг талабларига риоя этилишини назорат қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

32. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.



**“Соғлом турмуш тарзи” платформасидан фойдаланиш ҳамда пул ўтказмаларини  
фуқароларнинг электрон ҳамёнига қадар келиб тушиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Банк, Платформа	1. Электрон ҳамён карталари учун ягона виртуал картани тизимга бириктириш 2. Электрон ҳамён карталари учун ягона виртуал карта ҳамда транзит ҳисобварағини очиш	Заруратга қараб
2-босқич	Фойдаланувчи	id.egov.uz орқали авторизациядан ўтиш	1 соат давомида
3-босқич	Платформа	1. Электрон ҳамён мавжудлигини текшириш (Электрон ҳамён мавжуд бўлса) 2. Фойдаланувчига Электрон ҳамён картасини яратиш, Электрон ҳамён картасини банкдаги ягона виртуал картага бириктириш (Электрон ҳамён мавжуд бўлмаसा)	Автоматлашган тарзда
4-босқич	Фойдаланувчи	Электрон ҳамён карта рақамини киритиш	Автоматлашган тарзда
5-босқич	Платформа	1. Фойдаланувчи Электрон ҳамён картасини рўйхатдан ўтказиш. 2. Ҳар кунги босиб ўтилган қадамлар сонини ҳисоблаш. 3. Бир кун олдинги яқунланган кун бўйича фойдаланувчилар учун Рағбатлантириш реестрини шакллантириш.	Автоматлашган тарзда 24 соат давомида Автоматлашган тарзда
6-босқич	Туризм ва спорт вазирлиги	1. Тўловлар реестрини тасдиқлаш. 2. Маблағ ажратиш бўйича ғазначиликка сўровнома юбориш.	Сўровнома келиб тушгандан кейин бир иш куни давомида
7-босқич	Молия ғазначилиги	Ғазначилик ҳисобварағидан вазирликнинг “Алоқабанк” АТдаги ҳисобварағига тўловларни амалга ошириш.	Сўровнома келиб тушгандан кейин бир иш куни давомида
8-босқич	Банк	1. Туризм ва спорт вазирлиги ҳисобварағига маблағларни қирим қилиш. 2. Ягона виртуал карта ҳисобини тўлдириш.	Автоматлашган тарзда маблағ қирим қилинган вақтдан бошлаб уч соат давомида
9-босқич	Платформа	1. Туризм ва спорт вазирлиги ҳисобварағига маблағларни қирим қилиш. 2. Ягона виртуал карта ҳисобини тўлдириш.	Автоматлашган тарзда

“Соғлом турмуш тарзи” платформаси фаолиятини  
ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

## “Соғлом турмуш тарзи” платформасида тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш ТАРТИБИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган “Соғлом турмуш тарзи” платформаси шахсий ғазна ҳисобварағига (кейинги ўринларда – “Соғлом турмуш тарзи” ҳисобварағи) тўланадиган йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Йиғимлар алкоголь (пиво, ароқ) ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда – йиғим тўловчилар) учун татбиқ этилади.

3. Йиғимлар 2021 йил 1 июндан бошлаб бюджет таснифининг тегишли кодлари асосида очилган даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлар орқали “Соғлом турмуш тарзи” ҳисобварағида жамланади.

### 2-боб. Йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби

4. Йиғимни тўловчилар деб алкоголь (пиво, ароқ) ҳамда тамаки маҳсулотларини реализация қилишни амалга оширувчилар эътироф этилади.

5. Алкоголь (пиво, ароқ) ҳамда тамаки маҳсулотларини реализация қилиш йиғимлар солиш объектидир.

6. Йиғимлар миқдори қуйидагича белгиланади:

Т/р	Маҳсулот тури	Реализация қилинган маҳсулот ҳажмига
1.	Пиво	500 сўм/ 1 дал учун
2.	Ароқ	500 сўм/ 1 дал учун
3.	Сигарет	500 сўм/ 1000 дона

7. Йиғимлар алкоголь (пиво, ароқ) ҳамда тамаки маҳсулотларини реализация қилиш ҳажмидан ва белгиланган миқдорлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

8. Мазкур Тартибнинг 5-бандига мувофиқ йиғим тўловчилари томонидан ҳисобланган йиғимлар ҳар ой яқунлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10 санасига қадар “Соғлом турмуш тарзи” ҳисобварағига тўланади.

9. Йиғимни тўловчилар томонидан йиғим ҳисоб-китоби акциз солиғи бўйича ҳисобда турган жойдаги солиқ органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмай ушбу Тартибнинг иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.

### **3-боб. Йиғимлар ҳисоби ва мониторингини амалга ошириш тартиби**

10. Мазкур йиғимлар фойда солиғини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда чегириладиган харажатлар тоифасига киритилади.

11. Ушбу Тартибга мувофиқ келиб тушган йиғимларнинг ҳисоби “Соғлом турмуш тарзи” ҳисобварағи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Давлат солиқ хизмати органлари “Соғлом турмуш тарзи” ҳисобварағига йиғимлар тушуми ҳисобини йиғим тўловчининг шахсий карточкасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланган ҳамда тўланган суммаларини акс эттириш орқали юритади.

13. Давлат солиқ хизмати органлари йиғим тўловчилар томонидан йиғимларни ҳисоблаб чиқилиши ва ўз вақтида ўтказишлари устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мониторингини амалга оширади.

14. Мазкур Тартибга мувофиқ ҳисобланган йиғимлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, йиғимлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

“Соғлом турмуш тарзи” платформасида  
тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш  
тартибига илова

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Ҳужжат тури

	/	
--	---	--

Давр

--

ой

Календарь йил

--	--	--	--

Ҳужжат тури: 1 – ҳисоб-китоб, 2 – аниқлаштирувчи (каср орқали аниқлаштирув рақами)

алкоголли маҳсулотлар бўйича	
пиво бўйича	
сигареталар бўйича	
(кераклигига “V” белгиси қўйилсин)	

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган  
“Соғлом турмуш тарзи” платформаси шахсий ғазна ҳисобварағига тўланадиган йиғимлар бўйича  
ҳисоб-китоб

Т/р	Йиғим тўланадиган товар (маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Йиғимни ҳисоблаш учун йиғим солинадиган база	Йиғим миқдори	Ҳисобланган йиғим суммаси (уст.4 х уст.5)
1	2	3	4	5	6

Рахбар

\_\_\_\_\_ (имзо)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_ (имзо)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

